

Иймондан айрилишдан ҳам катта зиён борми?



19:00 / 18.01.2022 3205

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

مُكِبًا قَعًا لَعَلَّكُمْ وَوَدَّرِي أَوْرَفَكَ نِي دَلَا أَوْعِي طَات نِ أُونَمَ آ نِي دَلَا أِهِيَ أَي
نِي رَسَاخ أَوْبَلَقَنَنَف

«Эй иймон келтирганлар! Агар куфр келтирганларга итоат қилсангиз, орқангизга қайтарурлар. Бас, зиён кўрувчиларга айланиб қолурсиз». (Оли Имрон сураси, 149-оят).

Маълумки, мусулмонлар Уҳуд ғазотида қисман мағлубиятга учрадилар. Бу иш Мадинаи Мунавварада улар билан бирга яшаб турган кофир ва мунофиқларга ифво учун катта баҳона бўлди. Бадр ғазотидаги ғалабадан сўнг ҳамма мусулмонларга ҳавас билан қараб, улар билан ҳисоб-китоб қиладиган бўлиб қолган эди. Аммо Уҳуддан кейин барча иш тескарисига айланди. Кофир ва мунофиқлар мусулмонларга паст назар билан қарайдиган, уларга насиҳат қиладиган ва ўзларича «тўғри йўл» кўрсатадиган бўлиб қолдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, мунофиқлар мусулмонларга:

«Агар у ҳақиқий пайғамбар бўлганида, бу мусибат етмас эди. Ҳали ҳам бўлса, қайтинглар», – дейишган.

Шундан кўриниб турибдики, кофир ва мунофиқлар Уҳуд жангида етган мусибатдан мусулмонларни Аллоҳнинг динидан қайтариш учун фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Шу боис ҳам, Аллоҳ таоло ушбу оятда мўмин бандаларига хитоб қилиб, кофирларнинг гапига кирмасликка чақирмоқда:

«Эй иймон келтирганлар! Агар куфр келтирганларга итоат қилсангиз, орқангизга қайтарурлар».

Яъни, «Уларнинг гапига кирсангиз, сизни иймон ва Исломдан яна куфр ва ширкка қайтарадилар.

«Бас, зиён кўрувчиларга айланиб қолурсиз».

Иймондан айрилишдан ҳам катта зиён борми? Исломни тарк этиб, жоҳилиятга қайтишдан ҳам катта зиён борми?! Хўш, кофирларнинг гапига кириб, улар томон қайтишдан мақсад нима? Турмушда улардан ёрдам ва ҳимоя сўрашми?

نَیْرَصَالْاُرُیْخَ وَهُوَ مُكَالُومٌ لِّلْاَلْبِ

«Йўқ! Аллоҳ Хожангиздир. Ва У ёрдам берувчиларнинг энг яхшисидир!» (Оли Имрон сураси, 150-оят).

Йўқ, улар сизга ёрдам ҳам бера олмайди, ҳомий ҳам бўла олмайди. Балки Аллоҳ таоло сизнинг хўжангиз ва валийингиздир. Ҳақиқий ёрдам берувчиларнинг яхшиси ҳам ёлғиз У Зотдир.

Кейинги оятда мўминлар қалбига таскин берувчи сўзлар келади:

لَّزْنُیْ مَلْ اَمَّهٗ لِّلْاَبِ اَوْ كَرْشًا اَمَّ بَبَّعُرْلَا اَوْ رَفَاكَ نِیْ دَلَا ب وُلُقْ ی ف ی ق ل نَس
نِیْمَلْ اَطْلَا ی و ثَمَّ س نِیْ ب و رَا ن ل ل ا مُ ه ا وَا م و ا ن ا ط ل س ر و ب

«Тезда куфр келтирганларнинг қалбларига, Аллоҳга Ўзи у ҳақида ҳеч қандай ҳужжат нозил қилмаган нарсаларни шерик қилиб олганлари учун қўр–қувни солурмиз. Уларнинг жойи оловдир. Золимларнинг турар жойи қандай ҳам ёмон!» (Оли Имрон сураси, 151-оят).

Агар мўминлар ҳақиқий иймон эгалари бўлсалар, улар ҳар қачон кофирлар билан тўқнашганларида, Аллоҳ таоло кофирлар қалбига қўрқувни солиб қўяди. Чунки кофирлар ҳужжатсиз, қувватсиз, имконсиз нарсаларга таянадилар. Бут, санам, шахс, тузум ёки фолбинларни ўзларига ақийда қилиб олганлар. Асоси пуч бўлганидан кейин дарров оёғи қалтираб қолиши турган гап. Фақат мўминлар иймонларида содиқ қолиб, ўзларидаги ҳақда маҳкам турадилар, бас, Аллоҳ ваъдасига вафо қилиб, кофирларнинг қалбига қўрқувни солади ва улар мағлуб бўладилар. Бу иш кофирларга бу дунёда куфрлари сабабидан етадиган азоблардан биридир. У дунёда эса:

«Уларнинг жойи оловдир».

Аллоҳга ҳужжатсиз нарсани ширк келтирганлари учун улар бу жазога муносибдилар.

«Золимларнинг турар жойи қандай ҳам ёмон!»

Улар ширк келтириш билан жуда ҳам катта зулм қиладилар. Бундай катта ва ёмон зулм қилганлар, албатта, энг ёмон жойга лойиқдилар.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди